
Ташаббус туфайли “Ражабгарди” маҳалласидаги мактабгача таълим ташкилоти ҳам ўзгача чирой очди

Ўзбекистон тумани “Ражабгарди” маҳалласидаги 44-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида мукамал таъмирланди.

Янгиланган таълим маскани биноларини бугунги фойдаланишга топшириш маросими катта тантананага айланди. Унда туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев ва сектор раҳбарлари, тизим мутасаддилари ва маҳалла жамоатчилиги иштирок этди.

1988 йилда барпо этилиб, вақт ўтиши билан маънан эскирган маскан инфратузилмасига оид мавжуд муаммолар муассасанинг аҳил жамоаси ва маҳалла фаоллари кўрсатган ташаббус натижасида бугун бартараф этилди. Лойиҳа доирасида ўзаро бирдамликда эришилган ғолиблик туфайли, болалар боғчасини мукамал таъмирлаш учун бюджетдан 1 миллиард 200 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Бугун туманнинг яна бир бунёдкорлик ва ободлик манзилига айланган даргоҳда бу ерга қатновчи 180 нафар болалар учун замонавий ва қулай шароитлар ҳозирланди.

2024-11-25 17:20:46